

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Рафиқов, А.Сотволдиев

Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала..... 5

И.Неъматов, С.Кукиева

Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш 11

М.Азизов, С.Рустамова

Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи..... 13

КИМЁ

А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти..... 17

Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков

Глициррининг кислотасининг таркибида мочевина бўлган ҳосилаларини синтез қилиш 21

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Максудов

“Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари 24

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

И.Зокиров, С.Исроилжонов

Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари 27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Н.Рахмонов

Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари 31

М.Мўйдинов

Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари..... 35

ТАРИХ

Б. Усмонов

XV асрнинг 70-йилларида Фарғона 39

Н.Режаббоев

Наманган уездига “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти 43

А.Нурматов

XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида)..... 49

М.Мансуров

Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари 55

Х.Юнусова, У.Усаров

Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аъналарини ҳақида баъзи мулоҳазалар..... 58

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев

Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари 62

УДК: 378.1.331.6(575.1)

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Н.Рахмонов

Аннотация

Мақолада иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш шароитида олий таълим муассасаларида таълим хизматларини кўрсатиш сифатини бошқаришнинг ўрни ва ролини белгиловчи методологик ёндашувлар, таълим-тарбия жараёнларининг сифати устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, олий таълим муассасалари даражасида таълим хизматлари сифатини бошқариш механизмлари ва унинг самарадорлигини баҳолаш усуллари келтирилган.

Аннотация

В статье теоретически проанализированы методологические подходы к месту и роли контроля качества образовательных услуг в высших учебных заведениях, установлению эффективного государственного контроля за качеством образовательных и преподавательских процессов в условиях быстрого ускорения экономических реформ. Кроме того, приведены механизмы контроля качества на уровне высших учебных заведений и методы оценки их эффективности.

Annotation

In this scientific article methodological approaches to the place and role of controlling the quality of educational services in higher educational institutions, setting an effective governmental controlling on the quality of educational and teaching processes in the rapid accelerating condition of economic reforms have been analysed theoretically. Furthermore, the mechanisms of controlling quality in the level of higher educational institutions and evaluating methods of their effectiveness have been given.

Таянч сўз ва иборалар: таълим, сифат, таълим хизматлари, менежмент, маркетинг, жамият.

Ключевые слова и выражения: образование, качество, образовательные услуги, менеджмент, маркетинг, общество.

Key words and expressions: education, quality, educational services, management, marketing, society

Ҳар қандай мамлакат тараққиётини, унинг гуллаб-яшнашини интеллектуал куч - малакали мутахассислар белгилайди. Бу эса, ўз навбатида, олий таълим тизимининг жаҳон андозалари билан бўйлаша оладиган даражадаги сифат ва савиясига боғлиқдир. Жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида республикамизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1] бевосита ана шу мақсадларга - ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” [2].

Ҳар бир конкрет олий таълим муассасасида сифат тизимини ишлаб чиқувчилар олий таълим муассасаси ҳисобланиб, ўз фаолиятини юриштидаги турли хил жиҳатларга таяниши аён ҳақиқат. Бунда баъзилар таълим жараёнининг бош таркибий қисми сифатида кафедраларни тан оладилар ва шунга мос ҳолда кафедранинг олий таълим муассасаси тузилмалари ичидаги ўзаро алоқаларини ўрганиш орқали кафедралар рейтингини киритиш билан унинг иш фаолиятини такомиллаштириш ҳаракатида бўладилар. Бошқалар эса асосий камчилик сифатида олий таълим муассасасининг ўтган ўн йилликлар мобайнида шаклланган ўта мураккаб ва катта бошқарув тузилмасини кўрсатадилар ҳамда умумий ҳолда олий таълим муассасасининг тузилмавий модификацияланиши лозимлигини асослаш пайида бўладилар. Учинчи хиллари эса алоҳида эътиборни сифат менежменти соҳасида ўқитиш зарурлигига қаратиш кераклигини тасдиқлайдилар. Бу вазифа иккита - олий таълим муассасасида ёш мутахассисларни тайёрлаш ҳамда махсус дастурлар доирасида раҳбар-мутахассисларни қўшимча тайёрлаш механизмлари воситасида ҳал қилинади.

Юқорида айтилганлар бўйича олий таълим муассасасининг ўзи ва унинг таълим хизматлари истеъмолчилари манфаатларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасасида сифат менежменти

Н.Рахмонов – Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқотчиси, иқтисод фанлари номзоди.

тизимини яратишнинг куйидаги мақсадларини шакллантириш мумкиндир:

- давлат таълим стандартлари талаблари бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг мос ҳолдаги сифати даражасига эришиш (сифатнинг зарурий даражаси);

- мутахассисларни тайёрлаш сифатининг иш берувчилар талабларига мос ҳолдаги даражасига эришиш (олий таълим муассасаси битирувчиларига талаб мавжудлиги нуқтаи назаридан сифатнинг талаб қилинадиган даражаси ва битирувчиларнинг айна кунлардаги рақобатбардошлилиги);

- иш берувчиларнинг потенциал талабларига мос келувчи мутахассисларни тайёрлаш сифатининг оператив даражасига эришиш (олий таълим муассасасининг узоқ вақт фаолият юритиши ва рақобатбардошлилигини таъминловчи сифатнинг истиқбол даражаси).

Таълим сифатини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган таълим дастури, маркетинг элементлари ёрдамида жамият ва

таълим бозорининг реал ва талаб этиладиган таълим натижалари орасидаги фарқни қисқартиради. У ўзида куйидагиларни намоён этади:

Таълим хизматлари маркетингининг тўртта асосий хусусияти бор:

- кўп сонли маркетинг муносабатлари иштирокчилари, уларни тўртта катта гуруҳга ажратиш мумкин: мижозлар, шериклар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар;

- кўп мақсадлилиқ: ишлаб чиқаришда фойда максималлаштирилади, таълим мақсадини ифодалаш эса анчагина мураккаб;

- товарлар эмас, балки хизматлар ишлаб чиқарилганлиги сабабли маркетинг стратегиясини ўзгартириш талаб этилади;

- хизмат кўрсатишга жамоатчилик тарафидан катта эътибор ва бозордан ташқари тазйиқлар кўрсатилади.

1-расм. Олий таълим муассасасида жараёнли ёндашишга асосланган сифат менежменти тизимининг модели



Таълим хизматлари бозори (ТХБ)ни доимий тадқиқ этиш унинг асосий элементлари - талаб, таклиф ва баҳолар динамикасини таҳлил этиш маркетинг соҳасидаги стратегиясини тўғри танлаш имкониятини беради. Бу эса таълим муассасасининг фаолиятини бошқариш самарадорлиги билан бевосита боғлиқдир. Таълим хизматлари маркетинг фаолиятининг

бош вазифаси таълимга бўлган талабни аниқлашдан иборат. Таълим хизматларига бўлган талаб, бир томондан, шахснинг олий маълумот, диплом олишга, иккинчи томондан, тегишли мутахассислик бўйича малака олишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади. Олий маълумот олишга талабгорлар сони ҳар доим ўзларининг таълимга бўлган эҳтиёжларини

ИҚТИСОДИЁТ

ҳақиқатда қондириш имкониятига эга бўлганлардан ортиқ бўлиб келган. Бу номутаносиблик, биринчидан, аҳолининг тўлов қобилияти, иккинчидан, мазкур талабни тўлиқ қондира оладиган олий таълим муассасалари сонининг чекланганлиги билан боғлиқдир.

Товар ва хизматларнинг бошқа турларига нисбатан таълим ва таълим хизматлари жуда кўп омилларга боғлиқлиги билан кескин ажралиб туради. Шунинг учун ҳам таълим хизматлари ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларга маркетинг ёндашув нуқтаи назаридан баҳо бериш жуда ўринли, дейиш мумкин.

Агарда маркетинг ёндашувини бир хил даражада ҳам давлат, ҳам нодавлат таълимига керак, деб қаралмас экан, бу, уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Биринчидан, давлат таълим муассасалари давлат томонидан кўрсатиладиган (жуда ҳам катта миқдорда бўлмаса ҳам) ёрдамга ишониб иш юритар экан, яна узоқ вақт бозорни тадқиқ этиш, ўзининг таълим хизматларини унга бўлган талабларга мос равишда лойиҳалаштириш ва силжитиш билан жиддий шуғулланишга уриниб ҳам кўрмайди

1.2-расм. Олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини комплекс баҳолаш кўрсаткичлари [4]



Иккинчидан, хусусий таълим, давлатнинг молиявий кўмагисиз қолгани ҳолда ўз эътиборини ўқувчиларнинг молиявий жиҳатдан бадавлатроқ (элита) гуруҳига, таълимнинг “тез этиладиган” ва “тез тугатиладиган” турлари ҳамда кўринишларига, ўзининг бозор стратегиясида таълимнинг сифатига ҳисса қўшмайдиган жиҳатларига қаратишга мажбур бўлади.

Олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини комплекс баҳолаш учун рақобатбардошликни баҳолаш кўрсаткичлари таълим этилди. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш учун қуйидаги бешта гуруҳга тегишли: молиявий,

маркетинг, сифат, ижтимоий ва функционал индикаторлар қўлланилади.

Иқтисодий кўрсаткичлар сифатида таълим хизматлари кўрсатишдан келадиган фойда ва таълим этилаётган хизматларнинг рентабеллиги қаралади. Таълим хизматлари кўрсатишдан келадиган фойда (Ф) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ф = Д - X_{ўзг} - K * X_d,$$

бу ерда: Д-хизмат кўрсатишдан келадиган даромад, $X_{ўзг}$ ўзгарувчан харажатлар, X_d - домий харажатлар, К - таълим хизматларига баҳонинг ортиш индексини ҳисобга олувчи корреляция коэффиценти.

Таклиф этилаётган хизматларнинг рентабеллигини (P) аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$P = \Phi / D * 100\%,$$

бу ерда: Φ – хизмат кўрсатишдан келадиган фойда, D - даромад.

Олий таълим муассасаси фаолиятининг натижавийлигини баҳолашда маркетинг кўрсаткичи сифатида унинг таълим хизматлари бозоридаги улуши ва реклама фаолиятининг самарадорлиги қаралади.

Рақобатбардошликни баҳолаш учун қўлланилаётган ҳар бир кўрсаткич бўйича бозор улуши қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Y = M_1 / M_{ж},$$

бу ерда $M_{ж}$ қаралаётган ҳудуддаги жами олий таълим муассасалари, M_1 - битта объектга тегишли кўрсаткич.

Реклама фаолиятининг самарадорлик коэффициенти (K_p) қуйидаги нисбат ёрдамида аниқланади:

$$K_p = X_{рек} / D_x,$$

бу ерда: $X_{рек}$ - реклама учун харажатлар, D_x - таълим хизматлари сотув ҳажмининг ўзгариши.

Мазкур илмий мақолани тайёрлашда мавзуга оид адабиётларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, статистик маълумотларни ўрганиш ва тадқиқ этиш олий таълим муассасаларида таълим хизматлари сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:

- таълим хизматлари сифатини ошириш биринчи навбатда профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбия, илмий тадқиқотлар соҳасидаги билим ва малакаларига, тажрибаларига бевосита боғлиқ. Ушбу нуқтаи назардан ҳар бир олий таълим муассасасида Кенгаш қарори билан имкон қадар юқори даражада дарс машғулотларини, илмий тадқиқот ишларини

олиб боровчи профессор-ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қарорлар қабул қилиш орқали улар орасида соф рақобатлашиш механизмини ишлаб чиқиш ва унинг доимий мониторингини амалга ошириш лозим;

- таълим хизматлари сифатини ошириб бориш тўхтовсиз жараён эканлиги нуқтаи назаридан ҳар бир олий таълим муассасасида таълим хизматлари сифатини ошириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли режалар ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

- таълим хизматлари сифатини ошириш бўйича илғор хорижий олий таълим муассасалари тажрибаларини қиёсий ва танқидий ўрганган тарзда уларнинг мос жиҳатларини маҳаллий олий таълим муассасалар амалиётига жорий этиш борасида конференция ва семинарлар ташкил этишни йўлга қўйиш;

- юқори билим ва сифат кўрсаткичларига ҳамда намунали хулққа эга талабаларга олий таълим муассасасига бюджетдан ташқари тушган маблағлар (корхона ва ташкилотлар ҳомийлиги, илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва ҳ.к.лар) ҳисобидан стипендия тўлаш тизимини жорий қилиш. Бу, ўз навбатида, талабалар орасида соф рақобатни кучайтириш ҳисобига таълим сифатини оширади;

- ўқув режадаги фанларни ўзлаштира олмаган талабаларга, шу фанни қайта ўзлаштиришга сарфланадиган харажатлар миқдорида қўшимча тўловлар жорий этиш (бу орқали талабаларнинг фанларни ўз вақтида ўзлаштириб боришларига эришилади, акс ҳолда тўланадиган қўшимча тўлов ҳисобидан у билан қўшимча равишда шуғулланадиган ўқитувчи моддий рағбатлантирилади).

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // Халқ сўзи. - 2016 йил, 8 декабрь.
3. Котлер Ф., Армстронг Г., Вероника В, Сондрс Дж., Основа маркетинга.-М.: ООО “И.Д. Вильямс”, 2012 .
4. Эргашходжаева Ш.Ж., Нишонов Д. Олий таълим сифатини бошқариш концепцияси ва маркетинг модели. //Биржа-Эксперт. 2010. №11.
5. Раҳманбаева Р.А. Управление интеллектуальным потенциалом вузов в условиях интеграции образования и производства. Автореф.дисс. ... д-ра эконом. наук. – Т., 2012.

(Тақризчи: Г.Хонкелдиева – иқтисод фанлари доктори.)